

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 249 (3987).

25

ДЕКАБРЬ

ЧОРШАНБА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КАЛИНИН РАЙОНИ ШУДГОРЛАШНИ ТАМОМЛАДИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб меҳнат ғалабалари билан нишонлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган Калинин районининг механизаторлари кузги шудгорлаш ишларини муддатидан илгари муваффақиятли баъжарди. Район хўжалиқларида 11369 гектар эр шудгор қилиб қўйилди. Дала меҳнатқашлари механизаторлар билан ҳамкорликда меҳнат қилишиб, барча майдонларини сифатли шудгордан чиқарди. 30-32 сантиметр чуқурликда ер ҳайдалди. Асосий майдонларга шудгорлашдан олдин 400 килограммдан суперфосфат минерал ўғитлар солинди.

Шудгорлаш ишлари муваффақиятли ўтказишда айниқса райондаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» Калинин номи «Ленин йўли» ва бошқа қолхозлар айниқса яхши кўрсаткичларга эришди.

Шудгорлаш ишлари муваффақиятли тамомлаган механизаторлар техника ремонтини кучайтириб юборди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ, республика партия ва совет ташкилотларида узоқ йиллар ва самарали ишлаганлиги ҳамда туғилган кунига 50 йил туғилиш муносабати билан Тошкент область партия комитетининг секретари Мусахонова Ҳадича Раимовна Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиги билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

24 декабрда эрта соат 10 да Тошкентда Ўзбекистон ССР еттинчи чакриқ Олий Советининг ўтинчи сессияси очилди.

Хукумат локаларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Г. Анисимов, В. Г. Ломотов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонев, Е. С. Насриддинов, М. А. Абдуразақов, М. Турсунов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари ва хукумат аъзолари ўтирибдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат С. Х. Сиродидинов, Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар Ж. Алханов, З. Исроилова, А. Д. Лебедев президиумдан жой олдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг вафот этган депутатлари М. Т. Ойбек ва А. Рахматуллаевларнинг хотирасини ўрниларидан туриб эсладилар.

Сессия кетиб қолган депутатлар ўрнига 1968 йил 13 октябрда сайланган депутатларнинг ваколатини тешириш тўғрисида Олий Совет мандат комиссиясининг раиси депутат Т. Р. Каримовнинг докладыни эшитди. Олий Совет 29-Фурмазов сайлов округидан сайланган депутат Р. Ҳамроевнинг, 169-Қатортол сайлов округидан сайланган депутат И. Курбановнинг, 294-Қаттақўрғон-Ўрқ округидан сайланган депутат К. Носировнинг, 303-Ленин округидан сайланган депутат У. Жамоловнинг ваколатларини тўғри деб топиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди.

Шундан кейин Олий Совет сессиянинг кун тартиби ва иш тартибини бир овоздан тасдиқлади. Сессиянинг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилди:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат плани тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги давлат бюджет тўғрисида.
3. Меҳнатқашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка советлари тўғрисида Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари тўғрисида.
4. Ўзбекистон ССР Олий Советининг саноат бўйича ва халқ маорифи бўйича доимий комиссияларининг ишлари тўғрисида.
5. Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар масаласи бўйича доимий комиссиясини тузиш тўғрисида ва ёшлар доимий комиссияларининг сессияга ўзгартиришлар киритиш ҳақида.
6. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессиянинг эртабки мажлисида Ўзбекистон

ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат плани тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси депутат С. К. Зиеддуллаевнинг доклады тингилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги давлат бюджет тўғрисида республика молия министри депутат В. Муродқўжаев доклад қилди.

Сессияда Олий Совет план-бюджет ва тармоқ комиссияларининг қўшимча доклады ҳам тингилди. Бу ҳақда план-бюджет комиссиясининг раиси депутат М. Иброҳимов доклад қилди.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат плани ва давлат бюджет тўғрисидаги докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда депутатлардан М. Худойбергенов (413-Қаҳрамон сайлов округи), Д. Ожраев (454-Оқушбобоев сайлов округи), Р. Бобонова (13-Сельмаш сайлов округи), Н. Ж. Худойбердиев (132-Қўқон қишлоқ сайлов округи), Г. Г. Светленко (81-Паркент сайлов округи) қатнашдилар.

24 декабрь соат 16 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бўлди.

Мажлисида сессиянинг дастлабки икки масаласи юзасидан музокаралар давом эттирилди. Музокараларда депутатлардан Н. Б. Бозоров (190-Хумдак сайлов округи), С. Ҳамроев (257-Қулчаби сайлов округи), Ф. Т. Чупрунов (326-Октябрь сайлов округи), О. Аҳметшоева (356-Тўқимачи сайлов округи), Тен Хай Гюн (127-Гулбоғ сайлов округи), А. Х. Ҳамидов (54-Энергетик сайлов округи), У. Ҳасанова (97-Киров сайлов округи), П. Қайумов (109-Билди сайлов округи), А. И. Руцкий (341-Ленин сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Музокаралар тамом бўлган, докладчилар — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси депутат С. К. Зиеддуллаев ва Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. Муродқўжаев ақуловчи нутқ сўзладилар.

Олий Совет Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат плани тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилди.

Ўзбекистон ССР 1969 йилги давлат бюджет тўғрисидаги қонун ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Шу билан Олий Советнинг иккинчи мажлиси тамом бўлди. Навбатдаги мажлис 25 декабрда бўлади.



Суратларда: Ўзбекистон ССР Олий Совети IV сессиясининг очилиши ва сессиянинг мажлислар залида. И. Глауберзон фотолари.



ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ- НИНГ 1969 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилди:

1-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган 1969 йилги Давлат плани Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссиялари киритган тўзатишларни ҳисобга олган ҳолда маъқуллансин.

2-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1969 йилги Давлат планининг иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари бўйича қуйидаги асосий кўрсаткичлари тасдиқлансин:

(1968 йилга нисбатан ўсиш, процент ҳисобида).	
Саноат маҳсулот	4 процент
Давлат йўли билан марказлаштирилган тартибда капитал маблағ ажратиш	8, процент
умум фойдаланадиган автомобиль транспортининг ўқ обороти	11 процент

саноат фаолиятидан тушадиган фойда (республикага бўйсунадиган саноат)

14,8 процент

3-модда. 1968 йилдаги нисбатан 1969 йилда қуйидагиларни қўйиш таъминлансин:

давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти	9,9 процент
аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар	24,5 процент
давлат йўли билан ажратиладиган капитал маблағлар ҳисобидан қўйиладиган уй-жойларнинг фойдаланишга топшириладиган умумий майдони	34 процент
давлат бюджетидан таъминланадиган мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар сони	10,3 процент
кўчи узайтирилган мактаблар ва гуруҳлардаги ўқувчилар сони	13,4 процент
олий ўқув юрларидagi студентлар сони	4,8 процент
ўрта махсус ўқув юрларидagi ўқувчилар сони	7,7 процент
касалхоналардаги ўришлар сони	5,1 процент

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING 1969 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилди:

1-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги Давлат бюджет ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг План-бюджет комиссияси ва тармоқ комиссиялари доклады бўйича киритилган тўзатишларни ҳисобга олган ҳолда, даромад ва харажатлар бўйича 2.662.883 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.

2-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетидан давлат ва кооператив корхоналаридан ҳамда ташкилотларидан олинган даромадларнинг — оборот солиғи, ишлаб чиқариш фондлари учун ҳақ, рўйхатга олинган тўловлар, фойданинг эркин қолдиғи, фойдалан ажратмалар, даромад солиғи ва социалистик хўжаликдан келадиган бошқа тушумларнинг умумий суммаси 2.105.372 минг сўм миқдорда белгилансин.

3-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетидан халқ хўжалиғи — оғир саноат, қурилиш индустрияси, энгил ва озиқ-овқат саноатлари, қишлоқ хўжалиғи, транспорт, уй-жой ва коммунал хўжалиқ ҳамда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш маблағ билан таъминлаш харажатларининг умумий суммаси 1.216.471 минг сўм миқдорда белгилансин.

4-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетидан социал-маданий таъбирларга — умумий таълим мактаблари, техника умум, олий ўқув юрлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ҳунар-техника ўқув юрлари, кутубхоналар, клублар, театрлар, матбуот, радио-эшитиришга ҳамда маориф ва маданият соҳасидаги бошқа таъбирларга, касалхоналар, болалар яшлар, санаторийлар, соғлиқни сақлаш ва физкультура соҳасидаги бошқа муассасаларга, пенсия ва нафақаларга ажратиладиган маблағларнинг умумий суммаси 1.356.858 минг сўм, шу жумладан, давлат социал-страхование бюджетидан пенсия тўлаш учун ўтказилган маблағ 176.157 минг сўм миқдорда белгилансин.

5-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетидан давлат қониният органларини, давлат идора органларини ва халқ судларини таъминлаш учун ажратиладиган маблағлар суммаси 42.814 минг сўм миқдорда белгилансин.

6-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги республика бюджетидан даромад ва харажатлар бўйича 1.529.768 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.

7-модда. Қорақалпоғистон АССРнинг 1969 йилги Давлат бюд-

жети, Тошкент шаҳар ва областларнинг 1969 йилги маҳаллий бюджетлари даромад ва харажатлар бўйича 1.133.115 минг сўм миқдорда белгилансин. Шу жумладан:

Минг сўм ҳисобида	
Қорақалпоғистон АССР	87.954
Тошкент шаҳри	266.280
Тошкент области	128.375
Самарқанд области	116.636
Фарғона области	105.441
Андижон области	78.145
Бухоро области	71.054
Наманган области	62.512
Сирдарё области	60.622
Қашқадарё области	59.753
Сурхондарё области	53.124
Хоразм области	43.219

8-модда. Умум иттифоқ давлат солиқлари ва даромадларидан Тошкент шаҳри ҳамда областларнинг маҳаллий бюджетлари ва Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджетига ажратмалар 1969 йил учун қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

а) оборот солиғи тушумларидан: Тошкент шаҳрига — 39,8 процент, Тошкент областига — 100 процент, Сирдарё областига — 100 процент, Фарғона областига — 60,1 процент, Андижон областига — 80,4 процент, Наманган областига — 89 процент, Самарқанд областига — 55,6 процент, Бухоро областига — 54,3 процент, Қашқадарё областига — 100 процент, Сурхондарё областига — 93,3 процент, Хоразм областига — 62,4 процент, Қорақалпоғистон АССРга — 100 процент.

б) қолхозлардан олинладиган даромад солиғидан: қишлоқ хўжалиқ солиғидан, СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали граждандаридан олинладиган солиқдан, ўрмонлардан келадиган даромадлардан ва пул-буюм лотереялари тушумларидан — 100 процент.

в) аҳолидан олинладиган даромад солиғидан: Тошкент шаҳрига — 10 процент, Тошкент областига — 80 процент, Сирдарё областига — 100 процент, Фарғона областига — 40 процент, Андижон областига — 40 процент, Наманган областига — 50 процент, Самарқанд областига — 40 процент, Бухоро областига — 50 процент, Қашқадарё областига — 80 процент, Сурхондарё областига — 70 процент, Хоразм областига — 50 процент, Қорақалпоғистон АССРга — 80 процент.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги давлат планида кўрсатилган таъбирларни маблағ билан таъмин-

4-модда. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1969 йилги Давлат плани юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари: план-бюджет, саноат, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, транспорт, йўл хўжалиғи ва алоқа, қишлоқ хўжалиғи, сув хўжалиғи, халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, савдо ва умумий оғнатланш, коммунал хўжалиқ ва маиший хизмат кўрсатиш комиссияларининг ҳулосаларида баён қилинган, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар томонидан киритилган тақлифлар ва айтилган мулоҳазаларни қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси	Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари	Р. САХИБОВ.
1968 йил 24 декабрь. Тошкент шаҳри.	

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНING 1969 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

лаш учун Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги республика бюджетидан маблағларидан Тошкент области маҳаллий бюджетига 10183 минг сўм, Сирдарё области маҳаллий бюджетига 6.672 минг сўм, Қашқадарё области маҳаллий бюджетига 4.102 минг сўм, ва Қорақалпоғистон АССР давлат бюджетига 15.036 минг сўм миқдорда маблағ ажратилсин.

9-модда. Ўзбекистон ССРнинг республика бюджетидан бўйича касса оборотидан нақд пул 1969 йилга 30.000 минг сўм миқдорда тасдиқлансин.

10-модда. Тошкент шаҳри, областлар ва Қорақалпоғистон АССР бюджетлари бўйича касса оборотидан нақд пул 1969 йилга 41.100 минг сўм миқдорда белгилансин, шу жумладан:

Минг сўм ҳисобида	
Қорақалпоғистон АССР	3100
Тошкент шаҳри	8100
Тошкент области	4800
Самарқанд области	4300
Фарғона области	4000
Андижон области	3000
Бухоро области	2700
Наманган области	2400
Сирдарё области	2500
Қашқадарё области	2400
Сурхондарё области	2200
Хоразм области	1600

11-модда. Ўзбекистон ССРнинг 1969 йилги Давлат бюджетидан юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари: план-бюджет, саноат, қурилиш ва бинокорлик, материаллари саноати, транспорт, йўл хўжалиғи ва алоқа, қишлоқ хўжалиғи, сув хўжалиғи, халқ маорифи, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, савдо ва умумий оғнатланш, коммунал хўжалиқ ва маиший хизмат кўрсатиш комиссияларининг ҳулосаларида баён қилинган, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларида депутатлар томонидан киритилган тақлифлар ва айтилган мулоҳазаларни қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш Ўзбекистон ССР Министрлар Советига топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси	Е. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари	Р. САХИБОВ.
1968 йил 24 декабрь. Тошкент шаҳри.	

КОСМОСДА УЗОҚ ДАВОМ ЭТАДИГАН НОЁБ МЕДИЦИНА- ТЕХНИКА ТАЖРИБАСИ

Космосда узоқ давом этадиган парвоз шариоатида одамнинг ҳаётини таъминлаш проблемаси койинги вақтда ерда ва космик фазода синчилаб ўрганилмоқда. Койинот сирларидан ўрганиб, улардан амалий ривзила фойдаланиш мақсадида буғдан бугун одамнинг космосни забот этиши кўп жикхатдан ана шу проблеманинг ҳал қилинишга боғлиқ.

СССРда космик фазонинг ўзлаштириш программасига мувофиқ ҳаётини таъминлаш системаларининг тажриба комплекс барпо этилди, бу комплекс одамнинг ер таққарисидан ҳаётини таъминлаш системасининг мақбул вариантларидан бири бўлиши мумкин.

1967 йил 5 ноябрда уш тадқиқоти: врач Г. А. МАНОВЦЕВ (группа раҳзари), биолог А. Н. ВОЖКО ва техник Г. Н. УЛИШИНЕВ иштирокида дунёда биринчи марта бир йиллик тажриба бошланган эди.

Клиник-физиологик кузатишлар ва тадқиқотлар тажриба программасида энг саломатли ўрин олди. Ана шу кузатиш ва тадқиқотлар шу қадар узоқ муддат мобайнида ҳаёт фаолиятини таъминлашнинг танлаб олинган системалари яроқлими ёки йўқли бу системалар қанчалик хавфсиз ва самарали? — деган саволга жавоб бериши лозим эди. Кузатиш системаси инсон организмнинг ҳамма функцияларини ўз ичига олди.

1968 йил 5 ноябрда тажриба муваффақиятли тугалланди. Тажриба тадқиқот программасига батамом мувофиқ равишда ўтказилди.

Ҳозирги вақтда тадқиқотчиларнинг саломатлиги яхши.

Тажриба жараёнида олинган қимматли ва жуда кўп маълумотлар катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Пиллик ноёб медицина техника тажрибаси муваффақиятли ўтказилганлиги совет фани ва техниксининг энг муваффақиятли бўлиб одамнинг ер таққарисидан ҳаётини таъминлаш соҳасидаги ишлари янада ривожлантиришга қўмаклашди.

(ТАСС).

Депутат Ёртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессияси совет кишилари дунёда бичириш социалистик давлатининг, яъни ва деҳқонлар давлатининг осмончи ва раҳбари Владимир

ҳисобга олиб хонатлас, беқасам ишлаб чиқариш ташкил этилади. Шу мақсадда янги ғиллақашлик ва ғилла тўқиш корхоналари барпо этилади. 1969 йилда бу корхоналар 400 минг метр миллий шойи газлама ишлаб чиқаради.

Бадий хунармандчилики аянча-
гина ривожлантирил, Андижон,
Қўқон, Зоминда бадий буюмлар,
фабрналарини ишта туштуруш,
ишлаб турган корхоналарни рес-
конструкция қилиш ва бир қанча-
янги корхоналар қуришга қирчи-
лиш планлаштириб қўйилди. Шу-
нинг натижасида милдий газлама-
лар, кўзда тутилган тиламлар,
ёғоч ўймакорлиги, тош ва суяк
ўймакорлиги, заргарлик буюмлари
ва бошқа кўпгина махсулотларини
ишлаб чиқаришни кўпайтириш

тегирмон савоатида Навоийда тегирмони ва омихта ем тайёрловчи цехи бўлган тегирмон, шунингдек Қўнон, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқандда эливаларлар қуриб ишга туширилган бўлиб, мўлжалланмоқда.

Транспорт ва алоқа янада ривожлантирилади. Юк ташишнинг умумий ҳажмини 10 процент кўпайтириш, пассажирлар ташишнинг эса 13,5 процент кўпайтириш

360 километр янги автомобиль йўли, шу жумладан. Самарқанд айланма йўлининг биринчи навбати ишга туширилади.

Тошкент ва Ангренда янги атомат-телефон станциялари қуриш ва ишлаб турган станцияларни кенгайтириш. Урганча, Гулистонда Қўнғиротда ва Чорвоқда алоқа уйлари қуриш ва Тошкентда теле-

йўл саралаш почтаменти қуриш
кўзда тутилмоқда.

эс 13,5 процент кўпайтириш мўлккаланмоқда. 360 километр янги автомобиль йўли, шу жумладан Самарқанд аймакга Ўқининг биринчи навбати ишга туширилди.

Тошкент ва Ангренда янги автомат-телефон станциялари қўриш ва ишлаб турган станцияларни кенгайтириш, Ўзганда, Гулистонда, Қўнирготда ва Чорвоқда алоқа у

НИИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Келси Яилда бутун пахта ҳосиллигини 45 процентгача бўлга қисмини машинада териб олиш мўжлалиғида.

Чорвачилик маҳсулотиининг ҳамда турларини етиштиришни ўстириш ва чорва туғғини ҳамда паррандаларини кўпайтириш белгила қўйилди.

Чорваларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлигини кескин кўпайтириш учун келгуси йилда чорвачиликни айниқса совхозларда янада ихтиёс қослаштириш ва марказлаштириш юзасидан катта иш қилиш кўзда тутилди.

Ташкент, Самарканд, Фарғона
Бухоро, Навоий, Галлаорол, Ўрта
сёрй Қорасувда жами 1,2 мил
лион товуқ боқиладиган парранда
фермасини ишга тушириш ва Ав
дижон билан Гиждувонда ана шун
дай фабрикалар ишритиш ишритиш

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиқ министлиги билан «Узптилепром» тухум етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан қатъий чоралар кўришлари зарур.

Концентратлаштирилган ем иш-
лаб чиқаришни 1,4 миллион тонна-
га етказиш, яъни 1968 йилда
тидан қарийб 100 минг тонна қў-
пайтириш чорвачиликни ривож-
лантиришнинг белгиланган плани-
ни таъминлашга асос қилиб олин-
ган; бунинг учун саясбоб экин-
лар етқиштиришни қарийб 3 мил-
лион тоннагача етказиш, яъни 58
минг тонна қўпайтириш ва бел-
гитиштириш 1,6 миллион тоннага

Кышлоқ хужалигининг моддий ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга, кышлоқларда уй-жой ва маданий-мансий иншоотлар қуришга 550 миллион сўмага акция берча давлат капитал маблағларининг 30 процентдан кўпрогун сарф қилинади, бундан ташқари колхоз

Сув ҳужагаги қурилиши ва янги эрларини ўлаштириш тагин ҳақи кенг қулоч ёзди. Мирзаўлда Амурдир этакларида ва республиканинг бошқа областларида, жумладан, Сурхон, Шеробод массивида, Марказий Фарғонада янги сув қориларидан эрларини ишга солиш

94 ми гектар майдондаги ернинг
мелиорация холатини яхшилаш
Фаргона, Андижон, Сурхондар
областларида ва бошқа областлар
да сугорилиш системаларини қайта
қуриш ва сув таъминотини яхши
лаш, далавларни яхшилаб текислаш
ва шунингдек гулроғини шомол ва
сув таъсирда нуршадан муҳофаза
қилишга доир бир қанча тадбир
ларни қуриш кўзда тутилмоқда.
Ўзбекистон Фаргона каналли, «Занг
қанади, Шеробод каналли қуриш
битказилади.

шайлоқ совхозлар қуришни мадallaштириш кўзда тутилмоқда. Келгуси йилнинг ўзидaёқ бaр совхозлар республикадаги ялпи ишaи ҳосилининг 35 процентини етиштириб бeриши лoзим. Дон, сабзавот, лoлaз экинлари махсус лoиҳaи, узум ва мeвa етиштириш аниқ кўпайтирилади.

Шу сабабли маҳсулотнинг бу тур-
ларини еттиштириши 15-17 пр-
цент қўлайтириш кўзда тутилмоқ-
да. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат
саноати вазирлигининг ихтисос-
лаштирилган сазавоткор ва боғ-
узумчилик совхозлари ҳам ҳосил-
дорликни ошириб, ҳам экин май-

донларини кенгайтириб бу ишда
катта роль ўйнаши зарур.

